

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА ДУРДОНА БАХРОНОВНА

**XVII – XX АСР БОШИДАГИ ФРАНЦУЗЗАБОН ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**

07.00.08 - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УЎК: 94(575.12).084.3(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Расулова Дурдона Бахроновна

XVII – XX аср бошидаги француззабон тадқиқотларда

Ўзбекистон тарихи масалалари3

Расулова Дурдона Бахроновна

Вопросы истории Узбекистана во франкоязычных исследованиях

XVII – начала XX века25

Rasulova Durdona Bakhronovna

Issues of history of Uzbekistan in French-speaking researches

in XVII – the beginning of XX centuries47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВА ДУРДОНА БАХРОНОВНА

**XVII – XX АСР БОШИДАГИ ФРАНЦУЗЗАБОН ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**

07.00.08 - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2017.2. (PhD) / Таг133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаджанов Бахтиёр Мираимович
тарих фанлари доктори

Саидбобоев Зокир Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги DSc.06.01.2018. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (998 71) 233-54-70; 233-62-01; факс: (998 71) 233-39-91) e-mail: info@uzhistory.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 13-уй).Тел: (998 71) 262-74-58; факс: (+998 71) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор, академик

М. Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А. Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсоният тарихида муҳим ўрин тутган цивилизациялар қадимги даврларданок турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсирида шаклланиб, бойиб борган. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги цивилизациялар, IX–XII асрлардаги Ренессанс ҳамда Амир Темур ва Темурийлар даври илмий-маданий мероси ҳам шулар жумласидан бўлиб, улар умумжаҳон интеллектуал меросига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ушбу ютуқлар тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида, хусусан, XVII–XX аср бошларида ҳам илм-фан ривожини учун мустаҳкам пойдевор бўлиши билан бирга, хорижий олимлар ва тадқиқотчилар эътиборини доимий равишда жалб этиб келган.

Дунёдаги йирик илмий шарқшунослик марказлари, яъни АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларида, шу жумладан, Франциядаги университетлар ва илмий тадқиқот муассасаларида Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон тарихи ва маданияти бугунги кунда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда¹.

Ўзбекистоннинг бир неча минг йиллик бой тарихи ва маданиятини ўрганишда хорижий тадқиқотлар ҳамда манбалар муҳим ўрин тутди. Айниқса, илгари илмий истеъмолга жалб этилмаган хорижий тадқиқотлар ва манбаларни аниқлаш, таржима қилиш, уларни маҳаллий манбалар билан қиёсий таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади. Бу борада хорижий илмий марказлар орасида катта тарихий тажрибага эга бўлган ва Марказий Осиёга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борган француз шарқшунослик мактабларининг фаолияти алоҳида эътиборга молик. Аммо, ушбу масаланинг ҳозиргача чуқур ўрганилмаганлиги мазкур муаммони илмий тадқиқ этиш заруриятини асослаб беради.

Ўзбекистон тарихига оид хорижий тадқиқотлар ва тарихий манбаларни ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3074-сонли, 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли қарорлари,

¹ Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институти (*L'Institut national des langues et civilisations orientales – INALCO*), Ижтимоий фанлар олий мактаби (*École des hautes études en sciences sociales – EHESS*), Илмий тадқиқотлар миллий маркази (*Centre national de la recherche scientifique – CNRS*); Халқаро муносабатлар француз институти (*Institut français des relations internationales – IFR*), Марказий Осиё ахборотлари ва тадқиқотлари ассоциацияси (*Association de recherche et d'information sur l'Asie Centrale – ARIAC*), Халқаро муносабатлар ва стратегиялар институти (*l'Institut de relations internationales et stratégiques – IRIS*), Марказий Осиё тадқиқотлари француз институти (*L'institut français d'études sur l'Asie Centrale – IFEAC*), Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти (*International institute for Central Asian studies – IICAS*).

шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда жаҳон тарихшунослигида Ўзбекистон тарихи ва маданиятига доир олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўлами кенг бўлиб, улар услубий, даврий ёндашувлари, йўналишлари ҳамда қўлга киритилган натижалари билан бир-бирдан фарқ қилади.

XVII–XX аср бошларига мансуб Марказий Осиёга оид француз тарихшунослигини ўрганиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) XIX–XX аср бошларидаги адабиётлар; 2) Совет даври нашрлари; 3) Мустақиллик даври тадқиқотлари; 4) Хорижий асарлар.

XIX–XX аср бошларига оид тадқиқотлар асосан, Туркистонда фаолият олиб борган рус муаллифлари қаламига мансуб бўлиб, уларнинг асарларида², даврий матбуот материалларида³ ва илмий жамиятлар журналларида⁴ хорижий тадқиқотчилар фаолияти кенг ёритиб берилган.

Совет тузуми даврида Ж. Бейкер, М. Дьяконов, И. Магидович, Я. Свет, Н. Щукина каби муаллифларнинг олиб борган изланишларида⁵ хорижий

² Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. – СПб., 1911; Ўша муаллиф. Рецензия на книгу: L. Cahun. Introduction à l'histoire de l'Asie (1896) // Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1968. – Т. V: Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – С. 238–252; Ўша муаллиф. Рецензия на книгу: Description topographique et historique de Boukhara (1892) // Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1973. – Т. VIII: Работы по источниковедению. – С. 17–20; Ўша муаллиф. Рецензия на книгу: E. Blochet. Introduction à l'histoire des Mongols de Fadl Allah Rashid ed-Din (1910) // Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1973. – С. 270–310.

³ Заметка. Traduttore – trade // Туркестанские ведомости. – 1880. – 15 июля. – №28; Иванов Д. Библиографическая заметка. Expédition scientifique française en Russie, en Sibérie et dans le Turkestan. I. Vol. Le Kohistan, le Ferghanah et Kouldja. II. Vol. Le Syr-daria, le Zérafchâne, le pays des Sept-rivières et la Sibérie Occidentale par Ch. E. de Ujfalvy de Mezo-Kovesd. 1878–1879 // Туркестанские ведомости. – 1881, – № 1, 7–9, 11–14; Соколов В. Библиографическая заметка. Reclus o Туркестане // Туркестанские ведомости. – 1884, – 7 февраля. – № 4; Библиографическая заметка. Коран Магамеда // Туркестанские ведомости. – 1902, – 21 марта (3 апреля). – № 23 (2048); Горный инженер П. Жоравко-Покорский по поводу статьи г. Левата // Туркестанские ведомости. – 1903, – 19 июня (2 июля). – № 49 (2178).

⁴ Список рецензированных книг: А. Лянглэ. Жизнь Тимура / Пер. с франц. // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. Н. Суворов. – СПб., 1892. – Т. VI. – С. 343–349; Список рецензированных книг: O. Houdas. Histoire du sultan Djelal ed-Din Mankobirti, prince du Kharezme. Par Mohammed en-Nesawi. – СПб., 1892. – Т. VI. – С. 383–389; Список рецензированных книг: Ch. Schefer. Description topographique et historique de Boukhara, par Mohammed Nerchakhy. Suivie de textes relatifs à la Transoxiane. Texte persan publié par Charles Schefer // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. Вып. I–IV. – СПб., 1896. – Т. IX. – С. 313–318; Шарль Шефер. Некролог // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. Вып. I–IV. – Т. XI. – СПб., 1899. – С. 321–326.

⁵ Дьяконов М. Путешествия в Среднюю Азию с древнейших времен до наших дней. – Л., 1932; Бейкер Дж. История географических открытий и исследований. – М., 1950; Магидович И. Очерки по истории географических открытий. – М., 1955; Свет Я. По следам путешественников и мореплавателей Востока. – М., 1955; Щукина Н. Как создавалась карта Средней Азии. – М., 1955; После Марко Поло: Путешествия западных чужеземцев в страны Трех Индий / Пер. и примеч. Я. М. Света. – М., 1968.

тадқиқотлар ва экспедициялар қаторида французларнинг изланишлари ҳам умумий ҳамда муаммовий ёндашув асосида, бироқ ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан ёритилган.

Қайта қуриш йилларида ижтимоий тафаккурда ошкоралик муҳитининг шакллана бориши муносабати билан хорижий тарихшуносликка нисбатан янгича ёндашувлар юзага келди. Хусусан, хорижда ўзбек ва форс-тожик классик адабиёти намуналарининг ўрганилишига эътибор қаратилиб⁶, бу масалалар тадқиқи мустақиллик йилларида ҳам давом этди⁷.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихининг турли муаммоларини ёритишда хорижий тадқиқотлар таҳлили долзарб аҳамият касб эта бошлади. Хусусан, Р. Фармонов, Г. Эргашўжаева, Д. Зияева, Б. Бабаджанов, С.Шодмонова, З. Саидбобоев, Қ. Матҳолиқов, Х. Абдурасулова, А. Эрқузиёв⁸ каби тадқиқотчиларнинг асарларида хорижий, хусусан, француз тарихшунослиги муайян тарихий даврлар ва мавзулар доирасида таҳлил қилинди. Айниқса, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига бағишланган тадқиқотлар катта қизиқиш билан кутиб олинди⁹.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихига оид француз, инглиз, немис тилларидаги хорижий манбалар ва тадқиқотлар кенг ўрганилмоқда¹⁰.

⁶ Шокир Мухтор. Франция читаёт “Гулистан” : (История изуч. и пер. “Гулистана” Саади во Франции) / Отв. редакторы Маниязов А., Клубков П. А. – Душанбе, 1987; Холбеков М. Ўзбек адабиёти Францияда. – Тошкент: Фан, 1988. – 215 б; Мухтаров Ш. Персидско-таджикская классическая поэзия во Франции: Автореф. дисс... . докт. филол.наук. – Душанбе, 1989. – 33 с.

⁷ Шокир Мухтор. Фирдоуси во Франции. – Душанбе, 1999. – 130 с.; Исматов С. Француз халқ эпослари матнининг лингвоэпик тадқиқи: Фил.фан.ном. ... дисс. – Навоий, 2009; Ширинова Р. Национальная картина мира в художественном переводе // Вестник ТГУ. – 2012. – № 8 (112). – С. 218–223; Холбеков М. Ҳазрат Навоий мероси Францияда // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий, 2017. – Б. 49–55; Ўша муаллиф. Таржима адабиётининг тарғиби ва малакали таржимонларни тайёрлашнинг долзарб масалалари // Хорижий филология. – 2018. – № 3 (68). – Б. 5–8.

⁸ Фармонов Р. Революция 1848-49 гг. и политическое развитие второй республики во Франции 1848-51 гг.: Дисс. ... докт. истор. наук. – М., 1992; Эргашўжаева Г. 20-йиллар Ўрта Осиё хотин-қизлар эмансипацияси масалалари француз тарихшунослиги талқинида (50–80-йиллар адабиётлари асосида): Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 1996; Зияева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918–1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги. – Тошкент, 2000; Саидбобоев З. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар): Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2004; Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари (1917–1924 йиллар). – Тошкент, 2008; Бабажанов Б. Кокандское ханство: власть, политика и религия. – Ташкент: Токио, 2010; Матҳолиқов Қ. Ўзбекистон Республикаси ва Европанинг Франкофон давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар тарихи (Франция, Швейцария ва Бельгия мисолида 1991–2005 йй): Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2008; Абдурасулова Х. Ислам и религиозная политика в Узбекистане в 1940–1980-е годы: анализ англо-американской историографии: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2011; Эрқузиёв А. Ўрта Осиё ва ғарбий Европа ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва савдо йўллари тарихи (XVI–XIX асрнинг биринчи ярми). – Тошкент, 2014. – 165 б.

⁹ Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент, 1996; Холбеков М. Амир Темурнинг Европа кироллари билан ёзишмалари. – Самарқанд, 1996; Худойбергандов Ё., Хўжаева З. Амир Темур ва ўзбек–француз алоқаларининг шаклланиш тарихи // Илм сарчашмалари. – УрДУ, 2003. – №3. – Б. 53–54; История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов / Отв. ред.: Ртвеладзе Э., Алимова Д. – Ташкент, 2017; Фармонов Р., Фармонова М. Амир Темур Кўрагон ва император Наполеон. – Тошкент, 2017; Амир Темур даврида Мовароуннахр: археология, тарих, маданият. – Тошкент, 2018.

¹⁰ Зияева Д.Х. Источники по истории интеллектуального наследия Узбекистана XIX–XX вв. // Цивилизации Великого шелкового пути из прошлого в будущее: перспективы естественных, общественных, гуманитарных наук: Материалы международной научной конференции (приложение к Вестнику МИЦАИ №26, 2017). – Самарқанд, 2017. – С. 386–393; Ziyayeva D.X. The Sources on the History of Intellectual Heritage in Uzbekistan // Halaqa Islamic Education Journal. 2018. – 2 (1), June. – P. 117–123; Ўзбекистонда интеллектуал

Айниқса, XIX–XX аср бошларида Марказий Осиёга ташриф буюрган хорижий экспедициялар ва тадқиқотчиларнинг фаолиятини ўрганиш борасида самарали изланишлар амалга оширилмоқда¹¹ ҳамда илмий анжуманлар доирасида кенг муҳокама қилинмоқда¹².

Бу борада МДХ давлатларида ҳам қатор изланишлар амалга оширилган бўлиб, М. Лаумулин, И. Бартенева, Ч. Турдалиева томонидан XIX – XX аср бошларига мансуб француз тарихшунослигида Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларига оид масалалар ўрганилган¹³.

Хорижда, хусусан Францияда, ушбу мавзуни ўрганган Л. Керен, Ж. Мишель, К. Пужоль, М. Шуппе, Т. Заркон, М. Тардьё, С. Горшенина¹⁴ каби тадқиқотчиларнинг асарлари ва мақолаларида Марказий Осиё тарихига оид тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Ж. Мишель ўрта асрлардан бошлаб то XX аср биринчи ярмигача бўлган даврдаги француз сайёҳлари фаолиятини ёритиб берган бўлса, С. Горшенина ўз асарларида XIX – XX аср бошларида Марказий Осиёда бўлган европалик сайёҳ ва тадқиқотчилар қаторида французлар ҳақида ҳам маълумот беради.

Хуллас, тарихшунослик таҳлилларининг кўрсатишича, XVII–XX аср бошларида француз тилида олиб борилган тадқиқотлар ҳозирга қадар тарихий изчилликда комплекс ва фундаментал асосда тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Самарқанд давлат университети илмий

мерос тарихига оид манбалар (XIX–XX аср бошлари) / Масъул муҳаррир Зияева Д. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2017. – 272 б.; Расулова Д. Француз тилидаги тадқиқотлар // Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX–XX аср бошлари). – Тошкент, 2017. – Б. 247–260; Холов В. Инглиз тилидаги тадқиқотлар // Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX–XX аср бошлари). – Тошкент, 2017. – Б. 231–246; Якубова М. Немис тилидаги тадқиқотлар // Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX–XX аср бошлари). – Тошкент, 2017. – Б. 261–272.

¹¹ Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқотлар ва экспедициялар (XIX–XX аср бошлари): коллектив монография / Масъул муҳаррир Зияева Д. – Тошкент: Академнашр, 2019; Расулова Д. Француз тадқиқотчиларининг илмий экспедициялари // Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқотлар ва экспедициялар (XIX–XX аср бошлари). – Тошкент, 2019. – Б.291–338.

¹² Марказий Осиёда интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар (XIX–XX аср бошлари). Илмий тўплам / Масъул муҳаррир Зияева Д. – Тошкент, 2018. – 369 б.

¹³ Лаумулин М. Западная школа казахстаники и среднеазиеведения. – Алма-Ата, 1992; Ўша муаллиф. История Казахстана и Центральной Азии в мировой ориенталистике. – Астана, 2015. – 412 с.; Лаумулин М., Бейсембиев Т. Зарубежные исследователи Средней Азии и Казахстана: библиографический указатель. – Алматы, 1994; Турдалиева Ч. Западные путешественники и исследователи о кыргызах и Кыргызстане (вторая половина XIX – начало XX в.). – Бишкек, 2009. – 273 с.; Бартенева И. Изучение Кыргызстана и кыргызов французскими учеными в XIX – начале XX в. // Вестник КРСУ, 2015. – Т.15. – №10. – С. 19–23.

¹⁴ Kehren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris: Imprimerie Nationale, 1990. – P. 354.; Michel J. Le Voyage en Asie Centrale et au Tibet: athnologie des voyageurs occidentaux du Moyen Age à la première moitié du XX e siècle. – Paris: Laffont, 1992; Szuppe M. Entre timurides, uzbeks et safavides. – Paris, 1992. –180 p.; Ўша муаллиф. En quête de chevaux turkmènes: le journal de voyage de Mir ‘Izzatullâh de Dehli à Boukhara en 1812-1813 // Cahier d’Asie Centrale. – 1996. – № 1-2. – P. 92–111; Tardieu M. Le Tibet de Samarcande et le pays de Kûsh: mythes et réalités d’Asie Centrale chez Benjamin de Tudèle // Cahier d’Asie Centrale. – 1996. – № 1–2. – P. 299–310; Zarcone T. Boukhara l’interdite. – Paris: Autrement, 1997. – 190 p.; Gorshenina S. La Route de Samarcande. Genève: Olizane, 2000; Gorshenina S. Asie Centrale: aux confins des empires, réveil et tumulte // Éditorial Poujol C. – Paris, 2001. – 250 p.; Ўша муаллиф. Explorateurs en Asie Centrale: voyageurs et aventuriers de Marco Polo à Ella Maillart. – Genève: Olizane, 2003; Poujol C. Une nouvelle source documentaire sur l’Asie Centrale à la fin du XIX siècle: le voyage en Asie Centrale, Paris-Samarkande 1888, par René Koechlin. Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият / Масъул муҳаррир Алимова Д. Халқаро анжуман материаллари. – Тошкент, 2003. – Б. 48–53.

тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, ЎзР ФА Тарих институтида амалга оширилган ОТФ–1135 рақамли “XIX–XX аср бошларида ўзбек халқининг интеллектуал-маданий мероси: анъаналар ва трансформация жараёнлари” номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: XVII–XX аср бошларига мансуб француззабон тадқиқотларда Ўзбекистон тарихи масалаларининг ўрганилишини тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XVII–XX аср бошларида Францияда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихига доир тадқиқотларнинг шаклланиш тарихини ҳамда уларнинг манбавий асосларини таҳлил қилиш;

француз шарқшунослик мактаблари ва илмий марказларининг ташкил топиш тарихи, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда тадқиқот олиб бориш усулларини аниқлаш;

француз шарқшунослик мактабларида Марказий Осиё тарихига оид бирламчи манбаларни таржима ва тадқиқ этиш жараёнларини, шунингдек, ушбу адабиётлардан дарслик сифатида фойдаланиш масалаларини ёритиб бериш;

Марказий Осиёга ташриф буюрган француз илмий экспедицияларининг фаолияти, сайёҳлик сафарлари материалларида Ўзбекистон тарихи, маданияти ва табиатига оид тарихий маълумотларни аниқлаш ҳамда илмий истеъмолга киритиш.

Тадқиқот объекти сифатида XVII–XX аср бошидаги Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид француззабон тадқиқотлар белгилаб олинган.

Тадқиқот предметини Франциядаги шарқшунослик марказларининг фаолияти, даврий нашрлари ҳамда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга оид тарихий маълумотлар, илмий қарашлар акс этган манбалар, илмий экспедициялар ҳамда улар фаолиятининг натижалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот иши герменевтик, қиёсий ва мазмуний таҳлил усуллари ҳамда муаммовий-даврий ёндашувга асосланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XVI–XX аср бошларида Франциядаги “Коллеж де Франс”, “Шарқ жонли тиллари мактаби”, “Осиё жамияти” каби илмий муассасалар фаолияти, тадқиқотлари ва илмий нашрларини ёритиб бериш орқали Марказий Осиё манбашунослиги йўналишига, хусусан, манбаларнинг таржимаси, тавсифи, матншунослиги ва каталоглаштирилишига асос солинганлиги ҳамда ушбу жараёнлар шарқшунослик мактабларида жорий этилиб, яратилган дарсликлар шарқшунослик таълимида кенг қўлланилганлиги очиб берилган;

Марказий Осиёдаги ўрта аср мутафаккирларининг Қуръон тафсири, ҳадисшунослик, араб тили грамматикасига бағишланган тадқиқотларининг Францияда ўрганилиши ва француз тилига таржима қилиниши Европа халқларини ислом маданияти билан таништиришда муҳим роль ўйнаганлиги аниқланган;

Ибн Арабшоҳнинг “Ажойибу-л-мақдур фи тарихи Таймур”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъу-с-саъдайн ва мажмаъу-л-бахрайн”, Шарофиддин

Али Яздийнинг “Зафарнома” ҳамда “Темур тузуклари” каби асарларнинг француз тилига таржима қилиниши Фарбда Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганишда муҳим ўрин тутганлиги, шунингдек хорижий тадқиқотлар учун манбавий асос бўлиб хизмат қилганлиги кўрсатиб берилган;

“Париж география жамияти”, “Париж этнология жамияти”, “Париж антропология жамияти” ва бошқа илмий муассасалар фаолияти таҳлили асосида француззабон тадқиқотчилар томонидан минтақада олиб борилган илмий экспедициялар давомида Ўзбекистон табиати ва табиий ресурслари (геология, гидрография, география, минералогия), қишлоқ хўжалиги (ипакчилик, суғориш тизими), ижтимоий фанлар (этнография, археология, антропология)га оид муҳим маълумотлар аниқланиб, илмий истеъмолга киритилганлиги ҳамда Марказий Осиё интеллектуал меросига муҳим ҳисса бўлиб қўшилганлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республика ва хорижий кутубхоналарда сақланаётган Марказий Осиё тарихига оид XVII–XIX аср биринчи ярмига мансуб бўлган 100 га яқин француз тилидаги тадқиқотлар аниқланиб, таснифланди.

XIX аср ўрталари ва XX аср бошларига мансуб сайёҳларнинг сафарномалари (10 та), илмий экспедициялар (65 та) ва даврий нашрлар (50 та) материаллари аниқланиб, тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинди ва илмий истеъмолга киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон тарихига оид француз тадқиқотларининг библиографияси тузилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг бевосита француз тилида чоп этилган 200 дан ортиқ илмий мақолалар ва асарлар, илмий жамиятларнинг 10 дан ортиқ ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳужжатлари, картография материаллари, тарихий фотосуратлар, гравюралар ҳамда статистик маълумотлар базаси каби бирламчи манбаларга асослангани, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар республика ва хорижий илмий нашрларда, конференцияларда кенг муҳокама қилинганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти француззабон манбалар ва илмий тадқиқотлардаги Ўзбекистон тарихи, маданияти ҳамда табиатини акс эттирган янги маълумотлар, хулосалар ва манбаларнинг илмий истеъмолга киритилганлигида бўлиб, улар хорижий тарихшунослик бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва методологик ёндашувларни мукамаллаштиришга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда моддий ва маънавий мерос тарихини ўрганиш, давлат ҳамда ўлкашунослик музейларидаги мавжуд экспозицияларни бойитиш, сайёҳлик хизматини янада ривожлантиришга бағишланган давлат дастурлари бажарилишини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

XVII–XX аср бошидаги француззабон тадқиқотларда Ўзбекистон тарихи масалалари мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Марказий Осиёдаги француз илмий экспедицияларига оид манбалар таҳлиliga таяниб Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фондида сақланаётган XIX–XX аср бошларига оид француззабон асарларнинг рўйхати ва илмий тавсифини тузишда фойдаланилган, шунингдек, хариталар ҳамда этнографик ҳаётга оид иллюстрациялар асосида музейнинг “Ўзбекистонда хорижий сайёҳлар” бўлими экспозициялари бойитилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 25 октябрдаги 01-11-09-7371-сон маълумотномаси). Музей-қўриқхона фаолияти учун тақдим этилган манбалар тавсифи ва рўйхати мутахассислар, илмий ходимлар учун француз тарихшунослиги бўйича илмий-амалий йўриқнома сифатида хизмат қилган;

Марказий Осиё тарихи ва маданиятига доир француз тилида нашр этилган материаллар тадқиқига оид натижалардан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг умумий ва “Қўлэмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизматлари” фондларида сақланаётган минтақага оид француз тилидаги тадқиқотларнинг тизимлаштирилган каталоги ва илмий тавсифини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 25 октябрдаги 11-3737-сон маълумотномаси). Мазкур манбалар рўйхати ва илмий тавсифи мутахассислар учун француз тарихшунослиги бўйича тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек, кутубхона ходимлари учун манбалар кўргазмасини уюштиришда илмий-амалий жиҳатдан хизмат қилган;

Француз тадқиқотчиларининг ҳаёти ва фаолияти, библиографияси ҳамда экспедицияларнинг табиий соҳалар тадқиқотларига оид натижаларидан Тарих институтида бажарилган ОТФ-1135 рақамли “XIX–XX аср бошларида ўзбек халқининг интеллектуал-маданий мероси: анъаналар ва трансформация жараёнлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 24 октябрдаги 3/1255-2813-сон маълумотномаси). Ушбу илмий хулосаларнинг қўлланилиши XIX–XX аср бошларига мансуб француззабон тадқиқотларнинг библиографик кўрсаткичини тузишда, шунингдек, Ўзбекистон табиий соҳаларининг француз тарихшунослигидаги талқинини ёритишда асос сифатида хизмат қилган;

Француз тилидаги тадқиқотларда Туркистон табобати масалаларининг ёритилишига оид илмий натижаларидан Тарих институтида бажарилган ПЗ–20170921162 рақамли “XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда тиббиёт ва халқ табобати (тарихий асарлар, архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материаллари асосида)” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 24 октябрдаги 3/1255-2813-сон маълумотномаси). Келтирилган маълумотлар Туркистон табобати тарихининг хорижий тарихшунослик материаллари асосида янада бойитилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 13 та илмий конференцияларда, шулардан учтаси хорижда ҳамда 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан 3 таси коллектив монография материаллари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган даврий нашрларда 11 та ва халқаро нашрларда 2 та илмий мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг ўрганилиш даражаси тавсифланган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда, унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқот объектининг географик чегаралари асосан Ўзбекистон доирасида белгиланган.

Диссертациянинг **“Францияда Марказий Осиё тарихшунослигининг шаклланиш босқичлари ва йўналишлари (XVII – XX аср бошлари)”** деб номланган биринчи бобида Францияда Марказий Осиё ҳақидаги илмий қарашларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган омиллар, яъни Шарққа бўлган қизиқиш, унинг тарихи ва маданиятини ўрганиш мақсадида тузилган шарқшунослик илмий жамиятларининг фаолияти, изланишлар натижаларини ёритиб борган даврий нашрлар материаллари таҳлил қилинади.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи *“Француз шарқшунослик марказларида минтақа ҳақидаги илк илмий қарашларнинг шаклланиши”* деб номланади. Маълумки, жаҳон ориенталистикаси¹⁵ ривожда француз шарқшунослик марказлари биринчи ўринни эгаллайди¹⁶. Француз шарқшунослигининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича турлича ёндашувлар¹⁷ мавжуд бўлиб, ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.

¹⁵ Ориенталистика – Осиё ҳамда Шимолий Африка халқлари ва мамлакатларининг тарихи, тили, адабиёти, санъати, дини, менталитети, фалсафаси, ижтимоий ҳаёти, иқтисодиётини ўрганувчи комплекс илмий фанлар мажмуасидир. *Қаранг:* <http://www.knowledge.su/v/vostokovedenie-orientalistika>.

¹⁶ Шаматов А. К вопросу о новых тенденциях в развитии современного востоковедения (на примере германской научной традиции) // Востоковедение. – 2006. – № 1–2. – С.113.

¹⁷ Востоковедение. Большая историческая энциклопедия. – М., 1951. – С. 722–734; Востоковедные учреждения и учебные заведения во Франции / Пер. с франц. Шэно Ж. // Народы Азии и Африки: история, экономика, культура. – 1966. – № 5. – С.240–243; Алексеев В. Наука о Востоке: статьи и документы. – М.,

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, XVI–XVIII асрларда Францияда Шарқ мамлакатлари тарихи ва маданияти нафақат илм-фан вакиллари, балки ҳукумат аъзоларининг¹⁸ ҳам диққат марказида бўлган. Хусусан, 1630–1640 йилларда ҳукумат томонидан Шарққа жўнатилган “археологик миссиялар”¹⁹ деб юритилган экспедицияларга антик даврга оид моддий манбалар, Шарқ ҳамда юнон қўлёзмаларини излаб топиш ва олиб келиш вазифаси юклатилган эди²⁰.

Бундай изланишлар натижасида Европанинг қўлёзма фондларида маълумотлар йиғилиб, уларнинг тадқиқ этилиши кейинчалик, аниқроғи XVIII асрнинг иккинчи ярмида шарқшуносликнинг илмий жиҳатдан ривожланишига туртки берди. Француз шарқшунослигида матнларни шарҳлаш ва таржима қилиш билан бирга, тарих, маданият, дин ва ахлоқий қарашлар ҳам ўрганила бошланди. Натижада, XIX–XX аср бошларида Марказий Осиё тадқиқотларига бўлган қизиқиш кучайиб, шарқшуносликнинг “марказийосиёшунослик” йўналишидаги манбашунослик соҳаси шаклланди. Француз шарқшунослигининг шаклланиши тарихида шарқшунослик мактаблари ва илмий жамиятлари ўзига хос ўрин тутди. Уларнинг фаолиятини тадқиқот йўналиши ва усуллариغا кўра бир неча босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

XVI–XVII асрларда илк шарқшунослик мактабларига шарқ тилларини ўрганиш ҳамда тарих, маданият ва географияга оид маълумотлар йиғиш мақсадида асос солинган эди. “Коллеж де Франс” (*Collège de France, 1530*)²¹ ва “Ёш тилшунослар мактаби”да (*École des jeunes de langues, 1669*)²² тил ўрганиш малакалари шакллантирилиши билан бирга, Шарқ тарихи ва маданияти ҳам мукамал ўқитилган. Ушбу мактабларнинг йирик вакиллари тил ўрганиш бўйича амалга оширган ишлари диққатга сазовордир. Бу борада, шарқшунос олим Сильвестр де Саси (*Silvestre de Sacy, 1758–1838*) томонидан араб тили грамматикаси ва хрестоматияси нашр этилди²³. Шу билан бир қаторда, турк, форс, араб тилларида ҳамда дунёвий

1982; Лаумулин М. Развитие востоковедения во Франции и изучение Центральной Азии // Восток. – 2003. – № 3. – С. 169–190.

¹⁸ Пьер Сегье (*Pierre Séguier, 1588–1672*), Жулио Мазарини (*Jules Mazarini, 1602–1661*), Жан-Батист Кольбер (*Jean Baptist Colbert, 1619–1683*).

¹⁹ Omont H. Missions archéologiques françaises en Orient aux XVII et XVIII siècles. – Paris, 1894.

²⁰ Центральная Азия глазами одного французского эрудита XVII века. – Ташкент: IFEAC, 2003. – С. 13.

²¹ Lefranc A. Histoire du Collège de France: depuis ses origines jusqu’à la fin du premier empire. – Paris: Librairie Hachette, 1893. – P. V–VIII.

²² Францияда “Ёш тилшунослар мактаби” (*École des jeunes de langues*)га 1669 йилда асос солинган, 1795 йилдан “Шарқ тиллари махсус мактаби” (*École spéciale des Langues orientales*), 1914 йилдан “Шарқ жонли тиллари мактаби” (*L’École des langues orientales vivantes*) ва ҳозирда “Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий Институти” (*L’Institut national des langues et civilisations orientales-INALCO*) деб номланиб, замонавий илмий шарқшунослик маркази сифатида фаолият юритмоқда. Қаранг: https://fr.wikipedia.org/wiki/Institut_national_des_langues_et_civilisations_orientales.

²³ Sacy S. Anthologie grammaticale arabe, ou Morceaux choisis de divers grammairiens et scholiastes arabes, avec une traduction française et des notes. – Paris: Imprimé par autorisation du Roi. – L’Imprimerie Royale, 1829. – 733 p.; Ўша муаллиф: Grammaire arabe à l’usage des élèves de l’École spéciale des langues orientales vivantes un traité de la prosodie et de la métrique des arabes par Silvestre de Sacy. – Paris: Imprimerie royale, 1831. – 683 p.

фанларга оид Шарқ манбаларидан келтирилган парчалар, ёзилган шарҳлар ёки таржималар орқали махсус дарслик ва қўлланмалар ҳам яратилган²⁴.

XIX асрга келиб, Францияда “Осиё жамияти” (*Société Asiatique*, 1822), “Париж география жамияти” (*Société de Géographie de Paris*, 1821), “Париж этнология жамияти” (*Société d'Ethnologie de Paris*, 1839), “Париж Антропология жамияти” (*Société d'Anthropologie de Paris*, 1859) каби илмий тадқиқот марказларига асос солинган. Шунингдек, йирик шарқшунослик марказларидан “Илмий-амалий тадқиқотлар олий мактаби” (*École pratique des Hautes Etudes –EPHE*, 1868)²⁵, “Узоқ Шарқ француз мактаби” (*L'École française d'Extrême Orient –EFEO*, 1900) кабиларни ҳам кўрсатиш мумкин. В.В. Бартольд уларни: “Бундай илмий марказлар тадқиқотнинг тўғри ва изчил олиб борилишига асос бўлиб хизмат қилди”²⁶, – деб таъкидлаган эди. Демак, мазкур шарқшунослик илмий марказлари тадқиқотларни назарий, амалий ва услубий жиҳатдан тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этган.

Америкалик олим Э. Саид ўз изланишларида илк француз тадқиқотларини ижобий баҳолаш билан бирга²⁷, ориентализм “айрим ҳолатларда – назорат куроли ҳамдир”²⁸, – деган фикрларни илгари суриши бироз эътироз уйғотади. Зеро, бундай бир томонлама ёндашув шарқшуносликнинг барча ривожланиш босқичларига хос эмас.

Ушбу мактаблар фаолиятида француз шарқшунослиги классик ва амалий йўналишда²⁹, яъни манбашунослик ва амалий ташрифлар орқали тадқиқ этилган. Франциядаги ушбу муассасалар манбалар коллекциясини тўплаш, каталоглаштириш, ўрганиш ва таржима қилиш асосида бевосита Марказий Осиё минтақаси тарихи, дини, санъатига оид тадқиқотлар олиб борилишига хизмат қилди. Европада Шарқ дунёсининг кашф этилиши ва кенг жабҳада ўрганилишида француз шарқшунослик мактаблари ҳамда илмий марказлари фаол таъсир кўрсатган.

²⁴ Chrestomathie en turk orientales contenant plusieurs ouvrages de l'Emir Ali-Schir, des extraits des mémoires du Sultan Baber, du traité du Muradj, du Tazkiret-el-Avliya et du Bakthiyar-Nameh. Par M. Quatremère. Fasc. I. – Paris: Firmin Didot, 1841. – 114 p.; Mirkhond. Vie de Djenghiz-khan. A l'usage des élèves de l'école royale et spéciale des langues orientales vivantes. – Paris: F. Didot frères, 1841. – 174 p. [Chrestomathie orientales]; Mirkhond. Histoire des sultans du Kharezm. Text persan traduit et accompagné de notes historiques, géographiques et philologiques, a l'usage des élèves de l'école royale et spéciale des langues orientales vivantes. – Paris: F. Didot frères, 1842. – 134 p. [Chrestomathie orientales]; Chrestomathie persane. A l'usage des élèves de l'école spéciale des langues orientales vivantes. Publiée par Sh. Schefer. Vol. 2. – Paris: E. Leroux, 1883–1885.; Mohammed en-Nesawi. Histoire du Sultan Djelal ed-din Mankobirti. Prince du Khorezm. Traduite de l'arabe par O. Houdas. – Paris: E. Leroux, 1895. – X, 484 p. [Publications de l'école royale et spéciale des langues orientales vivantes. 3 e Série, vol. 10]; Prolégomènes des tables astronomiques d'Ouloug-beg. Traduction et commentaire par M.L. Sédillot. Astronomie orientale. Chrestomathie persane publiée sous les auspices de m. le ministère de l'Instruction publique. Tome second. – Paris, 1853. – 293 p.; Ch. Barbier de Meynard. La poésie en Perse: leçon d'ouverture faite au Collège de France. [Bibliothèque orientale Elzevirienne]. – Paris: E. Leroux, 1877. – 74 p.

²⁵ Vocabulaire de l'Éducation: Éducation et Sciences de l'Éducation. Publié sous la direction de Gaston Mialaret. – Paris: Presses Universitaires de France, 1979. – 188 p.

²⁶ Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. – Л., 1925. – С. 105–106, 137–138.

²⁷ Саид Э.В. Ориентализм. Западные концепции Востока / Пер. с англ. Говорунова А. В. – СПб., 2006. – С. 100.

²⁸ Саид Э.В. Ориентализм. Западные концепции Востока / Пер. с англ. Говорунова А. В. – СПб., 2006. – С. 23.

²⁹ Расулова Д. Францияда илк шарқшунослик илмий мактаблари // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотмаси. – 2012. – №1. – Б. 6–12.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “Француз даврий нашрларида минтақа тарихи масалалари” деб номланади. Францияда илк даврий нашрлар XVII асрда пайдо бўлган. Хусусан, 1697 йилдаёқ илк илмий журнал ҳисобланган “*Journal des Savants*” (Олимлар газетаси) саҳифаларида минтақа ҳақида кенг маълумот берувчи Бартелеми д’Эрбелонинг “Шарқ кутубхонаси”³⁰ номли тўплами ҳақидаги маълумот учрайди³¹.

XIX–XX аср бошларида француз даврий матбуотидаги ихтисослашув жараёнлари газета ва журналларнинг фан-таълим соҳалари бўйича нашр этилишига олиб келди. Масалан, география ва ўлкашуносликка оид тадқиқотлар натижалари “*Annales des voyages*”, “*Bulletin de la Société de Géographie*”, “*L’Exploration*”, “*Revue de Géographie*”, “*Revue géographique internationale*” каби журналларда акс эттирилган. Уларда асосий эътибор минтақа иклими, табиати, суғориш тизими, савдо йўллари ва халқларининг жойлашуви каби масалаларга қаратилган³².

Этнографик материаллар, этнология ва этногенез масалалари учун “*Bulletin de la Société d’anthropologie*”, “*Mémoires de la Société d’ethnographie*” журналлари таъсис этилиб, улар Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиши тарихи, айрим этник гуруҳлар тавсифи, турмуш тарзи, кийиниши, маданияти, урф-одат ва анъаналари билан боғлиқ масалаларни кенг жамоатчиликка етказиб беришда муҳим ўрин тутган³³.

Марказий Осиёдаги табиатшунослик, иқлимшунослик, геология, гидрография, минералогия соҳаларига доир маълумотлар, асосан, “*Bulletin de la Société d’acclimatation*”, “*La nature*” журналларида³⁴ ёритиб борилган. XIX асрда таъсис этилган “*Le Tour du Monde*”³⁵, “*Revue des Deux Mondes*”³⁶, каби нашрларда минтақадаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, унинг географиясига оид

³⁰ Barthélemy d’Herbelot de Molainville. Bibliothèque Orientale. – Paris, 1697.

³¹ Центральная Азия глазами одного французского эрудита XVII века. – Ташкент: IFEAC, 2003. – С.23.

³² Asie Centrale. Exploitations de M. M. de Ujfalvy et du colonel Prjevalsky // [L’exploration. – 1877.– №35. – P. 186–188]. Туркестанский сборник. Т.295; Bonvalot G. Voyage dans l’Asie Centrale et au Pamir // Bulletin de la Société de géographie. –1890.– Т.2. 7e Série. – P. 469–498; Blanc E. Le chemin de fer transcaspien // Annales de géographie. 1894-1895. – P.325–341.; Vivien Saint-Martin de. Asie Centrale // [L’année géographique. – Т.ХII]. Туркестанский сборник. Т.184; Asie Centrale. (Resumé de Vénukoff. Bulletin de la Société de géographie de Paris) // [Le Tour du Monde. №1071 et 1234]. Туркестанский сборник. Т.401.

³³ Ujfalvy E. Le Berceau des Aryas d’après des ouvrages récents, critique et examen // Bulletins de la Société d’anthropologie. –1884. Séance du 15 mai; Ujfalvy E. L’influence du milieu sur les peuples de l’Asie Centrale // Bulletins de la Société d’Anthropologie de Paris. –1887. – Т.10, 4e Série. – P. 436–457; Ujfalvy E. Quelques observations sur les Tadjiks des montagnes appelés aussi Galtchas // Bulletins de la Société d’anthropologie. Séance de janvier 1887; Vaillant L. Note sur un berceau sarte // Bulletins et mémoires de la Société d’anthropologie de Paris. – 1910. – Т. 1. – P. 21–23.

³⁴ Reclus E. Note relative à l’histoire de la mer d’Aral // [Bulletin de la Société de géographie. 1873, Août]. Туркестанский сборник. Т.101; Capus G. Le climat et la végétation du Turkestan // Annales des sciences naturelles Botanique. – 1883. – Т.15. – P.199–213; Ўша муаллиф. Arbres géants du Turkestan // [La nature]. Туркестанский сборник. Т.357.

³⁵ Khanat de Boukhara. [Le Tour du Monde. 1876. № 798, 803]. Туркестанский сборник. Т.401; Khanat de Kokand. [Le Tour du Monde. 1876. № 799]. Туркестанский сборник. Т.401; Turkestan Russe. [Le Tour du Monde.1878. – № 904, 978, 997; 1879, 1880]. Туркестанский сборник. Т.401; Asie Russe. [Le Tour du Monde.1880, – №1038, 1233, 1277, 1324; 1884, 1885, 1886]. Туркестанский сборник. Т.401.

³⁶ Cotard M. Le chemin de fer Central-asiatique // [Revue des Deux Mondes. 1876, 15 Juillet, 2^e livre]. Туркестанский сборник. Т.183; Blerzy H. Les conquêtes de la Russie, l’expédition de Khiva // Revue des Deux Mondes. 1877. Septembre; Cuheval – Clarigny. L’Asie Centrale et le réveil de la question d’Orient // [Revue des Deux Mondes. 1877. 15 Mai. Т.ХХI. P. 392–435]. Туркестанский сборник. Т. 295.

масалалар ҳам ўз аксини топган.

Россиянинг Туркистондаги сиёсатига оид воқеалар “*Globe Revue de l’Orient*”, “*Moniteur*”, “*Patrie*”, “*République*” каби газеталарда³⁷, Марказий Осиё ва Россияга оид маълумотлар эса Парижда нашр этиладиган махсус “*La Russie*” ҳафталик журналида ёритилган³⁸.

Хуллас, Францияда Марказий Осиёга оид илмий қарашларнинг шаклланиши ва ривожда илмий жамиятлар катта ўрин тутиб, француз шарқшунослигининг тараққиёти ёки таназзулини уларнинг фаолияти орқали баҳолаш мумкин. Шарқшунослик илмий жамиятлари ва даврий нашрлар бевосита бир-бирига алоқадор бўлиб, илмий жамиятлар фаолиятининг кучайиши даврий нашрлар кўламининг кенгайишига ҳам таъсир кўрсатган.

Диссертациянинг “**Францияда Шарқ кўлөзма манбаларининг ўрганилиши (XVII–XX асрнинг бошлари)**” деб номланган иккинчи бобда Францияда яратилган бир неча асрлик манбалар ва адабиётлар таҳлил қилинган. Мазкур бобда Францияда Шарқ кўлөзмалари фондларининг ташкил этилиши, манбаларнинг тўпланиши, каталоглаштирилиши, ўрганилиши ва таржима қилиниши асосида “классик шарқшунослик” тадқиқотлари очиб берилган.

“*Тарихий кўлөзмалар таржимаси ва манбашунослик тадқиқотлари*” деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфида француз тарихшунослигида манбалар тадқиқи ва уларнинг таржимасига урғу берилиб, бир неча гуруҳларда тадқиқотлар олиб борилганлиги тавсифланган.

Биринчи гуруҳ тадқиқотлари сифатида энциклопедия ва тўпламларни кўрсатиш мумкин. Масалан, француз шарқшуноси Бартелеми д’Эрбело де Моленвиль (*Barthélemy d’Herbelot de Molainville, 1625–1695*) томонидан яратилган “Шарқ кутубхонаси”³⁹ номли энциклопедик асар ярим аср давом этган катта лойиҳа асосида яратилган эди. Д’Эрбелонинг бевақт вафоти туфайли “Шарқ кутубхонаси” бошқа шарқшунос олим, яъни Антуан Галлан (*Antoine Galland, 1646–1715*) томонидан ниҳоясига етказилган бўлса ҳам, ҳаммуаллифлик иштироки ҳеч қаерда қайд этилмаган. Ушбу манбада мўғуллар ҳукмронлиги, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ҳамда минтақа топонимикаси, атамашунослик ва манбашуносликка оид муҳим маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, бу даврда сайёҳлар сафарномаларига катта қизиқиш билан қараган Пьер Бержерон (*Pierre Bergeron, 1580–1637*) томонидан илк сайёҳлик тадқиқотлари ҳақида кенг маълумот берувчи “XII, XIII, XIV ва XV асрларда Осиёга қилинган саёҳатлар”⁴⁰ номли тўплам яратилган. Ушбу манба XVIII асрда тўплам ҳолига келтирилган бўлса-да, аммо унинг таркибидаги алоҳида мемуарлар турли даврларда ёзилган.

³⁷ (La) Russie dans la Presse Parisienne. 1848–1859. – Cahiers du Monde Russe et Soviétique. – Vol. IX. 1968. – No. 3–4, 386–436 p.

³⁸ Туркестанские ведомости. – 1898. 16 (28) июля. – № 53 (№ 1671).

³⁹ Barthélemy d’Herbelot de Molainville. Bibliothèque Orientale. – Maestricht: J.E. Dufour et Ph. Roux, 1776. – P. XX–XXVIII.

⁴⁰ Bergeron P. Voyages faits principalement en Asie dans les XII, XIII, XIV et XV siècles par divers, accompagnés de l’histoire des sarrasins et des tartars et précédés d’une introduction. – La Haye: J. Neaulme, 1735. – T. 1–2.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотларини араб, форс, турк (асл манба) тилларидаги Шарқ кўлэмаларини литографик усулда араб графикасида қайтадан чоп этиш асосида пайдо бўлган асарлар ташкил этади⁴¹. Мазкур тадқиқотлар манбани асл ҳолида, бирламчи шаклда ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиб бериш имконини яратган.

Учинчи гуруҳ тадқиқотларида илмий-тарихий ва бадиий асарларнинг ўрганилиши натижасида Шарқ фалсафаси⁴², давлат бошқарув тизими⁴³, ҳукмдорлар ва сулолалар тарихига⁴⁴ оид маълумотлар тўпланган. Айни вақтда, Францияда Шарқ манбалари матншунослиги ва таржимонлик тадқиқотлари ривожланиб, бадиий, тарихий, илмий асарларни топиш, ўрганиш ва таржима қилиш асосида ўзига хос изланишлар олиб борилган. Жумладан, тарих ва маданиятга оид жаҳон маънавий бойликларидан “Сомонийлар тарихи”, “Мантиқу-т-тайр”, “Гулистон”, “Ҳайём рубоийлари”, “Ўрта Осиё тарихи”, “Равзату-с-сафо”, “Жомеъу-т-таворих”, “Хоразм элчилиги алоқалари” каби асарлар француз тилига таржима қилиниб, асл матндан парчалар ва шарҳлар келтирилган ҳолда чоп этилди⁴⁵.

Тўртинчи гуруҳ тадқиқотлари Шарқ манбаларини йиғиш ва таснифлаш орқали пайдо бўлган луғат ва каталоглардан иборат. Улар манбаларнинг умумий кўлами ва фан йўналишлари (тарих, маданият фалсафа, тилшунослик, диншунослик) ҳақида тўлиқ таассурот пайдо бўлишига имкон яратган⁴⁶.

⁴¹ Description topographique et historique de Boukhara, par Mohammed Nerchakhy. Texte persan publié par Charles Schefer. – Paris: Ernest Leroux, 1892. – 292 p.; Rashid ed-Din, Fadl Allah. Djami el-Tévarikh. Histoire générale du monde. Tarikh-i Moubarek-I Ghazani. Histoire des Mongols. Éditée par E. Blochet. Contenant l’histoire des empereurs mongols successeurs de Tchinkiz Khaghan. – Leyden: E.J. Brill: Imprimerie Orientale, 1911. T. II.

⁴² Vaux Carra de. Les grands philosophes: Avicenne. – Paris: Félix Alcan, 1900. – 300 p.

⁴³ Mawardi Abou’l Hassan Ali. El-ahkâm es – southâniya. Traduit par Ostrorog Leon. – Paris, 1901–1906. T. 1–2.

⁴⁴ Mémoires sur diverses antiquités de la Perse et sur les médailles des rois de la dynastie des Sassanides : suivis de l’histoire de cette dynastie trad. du Persan de Mirkhond / par A. I. Silvestre de Sacy. – Paris, 1793 – 431 p.; Zahir-ed-din Mohammed. Mémoires de Baber. Fondateur pour la dynastie mongole dans l’Hindoustan. Traduites pour la première fois sur le texte djagataï par Pavet de Courteille. Vol. 2. – Paris, Maisonneuve et C^{ie}, Libraires-Éditeurs, 1871.

⁴⁵ Mirkhond. Histoire des Samanides. Text persan traduit et accompagné de notes critiques, historiques et géographiques par Sharle Defrémery. – Paris: Imprimerie royale, 1845. – 296 p.; Farid-ud-din Attor. Mantic uttair ou le langage des oiseaux, poème de philosophie religieuse. Publiée et traduite par M. Garcin de Tassy. Vol. 2. – Paris, 1857–1863. 1857 T. 1. Publiée en Persan. 1863 T. 2. Traduite du persan; Gulistan ou le Parterre de roses, par Sadi, traduit du persan et accompagné de notes historiques, géographiques et littéraires par Sharle Defrémery. – Paris, 1858. – 359 p.; Omar Khéyam. Les quatrains de Khéyam. Traduits du persan par J.B. Nicolas. – Paris, 1867. – 229 p.; Mir Abdoul Kerim Boukhary. Histoire de l’Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand). Depuis les dernières années de règne de Nadir Châh, de 1153 à 1233 de l’Hegire. Text persan et traduction française, publiés par Ch. Schefer. 2 vol. in-8^o, avec carte. – Paris: E. Leroux, 1876. – 305 p.; Mirkhond. Rauzat-us-safa (Jardine de pureté). Bible de l’Islam ou l’histoire sainte suivant la foi musulmane. Par l’historien persan Mirkhond. Traduite de l’anglais par Eugène Lamairesse. – Paris: Nilson, 1894. – 358 p. [Théologie musulmane]; Quatremère E.M. Djami el tevarih: Histoire des Mongols de la Perse écrite en Persian par Rashid al-Din. Vol. 1. – Paris, 1836; Riza Qouli Khan. Relation de l’Ambassade au Kharezme. Text persan et traduction française, publiée par Ch. Schefer. Vol. 2. in-8^o, avec carte. – Paris: E. Leroux, 1876–1878. – T. 2.

⁴⁶ Hamouy M. Catalogue des livres des manuscrits orientaux et des ouvrages en nombre composant la bibliothèque de feu M. J.-T. Re naud. – Paris, 1867; Hartwig D. Les manuscrits arabes de l’Escurial. Vol. 2. – Paris: E. Leroux, 1884; Catalogue des manuscrits orientaux de la Bibliothèque nationale. Manuscrits arabes, par de la Slane. – Paris, 1883–1895; Notices et extraits des manuscrits de la Bibliothèque nationale et autres bibliothèques. Vol. 41. – Paris, 1850–1923; Hartwig D. Les manuscrits arabes de la collection Schefer à la Bibliothèque nationale. – Paris: Imprimerie nationale, 1901. – 92 p.; Catalogue des manuscrits persans de la Bibliothèque nationale by E. Blochet Vol. 2. – Paris, 1905–1934.

Бешинчи гуруҳ тадқиқотлари – табиий фанлар, хусусан географик билимларга бўлган қизиқиш орқали илмий истеъмолга киритилган асарларда Марказий Осиё Шарқ контекстидан ажратиб олинган ҳолда ўрганилган. Францияда XIX–XX аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ва сиёсий харитаси ҳақидаги билимларни кенгайтириш мақсадида араб географлари⁴⁷ ва европалик сайёҳлар⁴⁸ асарлари француз тилида чоп этилди. Чунки, диний ва бадиий адабиётга бўлган эътибор сусайиб, дунёвий фанларнинг аҳамияти ошиб борди. Шунингдек, рус тадқиқотчиларининг асарлари⁴⁹ ҳам катта қизиқиш билан ўрганилди. Хуллас, бу давр француз тарихшунослигида Марказий Осиё тавсифига оид кўплаб манбалар илмий истеъмолга киритилиб, жаҳон интеллектуал меросига айланди.

Иккинчи бобнинг “*Ислом маданияти масалалари талқини*” деб номланган иккинчи параграфида Францияда қуръоншунослик соҳасидаги тадқиқотларга эътибор қаратилган, шунингдек, Марказий Осиё мутафаккирларининг ислом маданияти, ҳадисшунослик (ал-Бухорий), араб тили грамматикаси ва Қуръон тафсири (аз-Замахшарий)га оид асарларининг француз тарихшунослигида тутган ўрни кўрсатиб берилган.

Қуръони карим XII асрдан бошлаб лотин, француз, инглиз, немис каби Европа халқлари тилларига таржима қилинган. Дастлабки тадқиқот 1143 йилда Ключни монастири (Франция)да амалга оширилиб, Қуръон маънолари лотин тилига таржима қилинган эди⁵⁰. Ушбу нусха бир неча асрлар давомида Европанинг бошқа тилларига таржима қилинган ҳамда тайёрланган шарҳлар учун асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Қуръон маънолари таржимаси⁵¹ нусхалари лотин ва француз тилларида Андре Дю Рие (*André Du Ryer, 1580–1660*), Луи Марраччи (*Louis Marracci, 1612–1700*), Клод-Этьенн Савари (*Claude-Etienne Savary, 1750–1788*), Альбер Казимирский де Биберштейн (*Albert Kazimirski de Biberstein, 1808–1887*) каби шарқшунослар томонидан яратилган.

Улар ичида Б. Казимирский таржимаси алоҳида ўрин тутиб, унда араб тилидаги асл матннинг сўзма-сўз таржимаси эмас, балки ғарбликлар учун

⁴⁷ Edrisi. Géographie d’Edrisi. Vol.1-2. Traduite par Jaubert Pierre, Amédée Emilien. – Paris, 1836–1840; Aboulféda. Géographie. Traduite de l’arabe par M.M. Reinaud et Stanislav Guyard et accompagnée de notes et d’éclaircissements. – Paris: Imprimerie Nationale, 1848-1883, 2 Tomes en 3 Vol.; Ibn Khordadbeh. Le livre des routes et des provinces. Traduit de l’arabe par Ch. Barbier de Meynard.– Paris, 1865; Maçoudi. Les prairies d’or. Texte et traduction par Ch. Barbier de Meynard et Pavet de Courteille. – Paris, 1861–1877. T. 1-9.

⁴⁸ Burnes A. Voyages de l’embouchure de l’Indus à Laxor, Caboul, Balkh et à Boukhara. – Paris, 1835. T. 1-3; Voyages d’ibn Battuta, traduit par Defrémery et Sanguinetti. 5 Vol. – Paris, 1853–1858; Vamberi A. Voyages d’un faux derviche dans l’Asie Centrale. – Paris, 1882; Hedin S. L’Asie inconnue. Dans la sables de l’Asie. Traduit du suédois, par Charles Rabot. – Paris: F.Juven, 1904, – 393 p.

⁴⁹ Mouraviev N. Voyages en Turcomanie et à Khiva, faits en 1819 et 1820. Traduite du russe par M.G.Lecoинte de Laveau, revu M.M. J.B.Eyriès et J. Klaproth. – Paris: L.Tenré, 1823. – 398 p.; Mouchkétov J. Les richesses minérales du Turkestan Russe. – Paris: Imprimerie Arnous de Riviere, 1878. – 32 p.

⁵⁰ Dugat G. Histoire des orientalistes de l’Europe du XII au XIX siècle, précédé d’une esquisse historique des études orientales. T.1. – Paris: Maisonneuve et C^e Libraires Éditeurs, 1868. – 42 p.

⁵¹ Қуръон таржимаси хусусида мусулмон уламоларининг ўзига хос талаблари мавжуд бўлиб, унга кўра бундай манбани таржима қилиш илоҳий кадрятларга зид саналган. Шунинг учун яратилган нусхаларни фақат “Қуръон маънолари таржимаси” деб аташ мумкин.

тушунарли тарзда маъновий таржима усулидан фойдаланилган⁵². Шунингдек, ҳадис, фикҳ ва тасаввуф каби ислом таълимоти асослари⁵³ йўналишларида ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Қуръони каримдан сўнг иккинчи манба сифатида тан олинган Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ” номли асари дастлаб араб⁵⁴, кейин эса француз тилларида чоп этилган⁵⁵. Бу эса ўз навбатида Францияда мусулмон маданияти, ислом таълимоти ва манбаларини ўрганишда катта ўрин тутишини кўрсатиш билан бирга, уларни Европада танитишга ҳам хизмат қилган.

Мазкур бобнинг “*Темурийлар даврига оид тадқиқотлар*” номли учинчи параграфида мўғуллар ҳамда Темурийлар даврининг француз тарихшунослигида ўрганилиши масалалари ёритилган.

Францияда ўзбек халқининг тарихини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, француз шарқшунослари бу соҳада кашшофлик қилдилар ҳамда ажойиб натижаларга эришдилар. Мўғуллар ва Темурийлар даврига доир тадқиқотларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи – француз тилига таржима қилинган асарлар⁵⁶, иккинчи – француз тилида ёзилган тадқиқотлардир⁵⁷.

Биринчи гуруҳдаги манбаларга асл матн араб, форс, турк, мўғул, хитой, манчжур, иврит, юнон каби тиллардан таржима қилинган асарлар киради. Бундай асарларнинг кириш қисми ва шарҳларида манбанинг таржима қилиниши ҳақидаги маълумотлар, нотаниш сўзлар, жой номларининг изоҳи

⁵² Библиографическая заметка. Коран Магомета // Туркестанские ведомости. – 1902. – 21 марта (3 апреля). – № 23 (2048).

⁵³ Querry A. Droit Musulman. Recueil de lois, concernant les musulmans schyites. Par A.Querry, Consul de France à Tébriz. Vol. 2. – Paris: Maisonneuve et C^{ie}, Libraires-Éditeurs, 1871–1872; Abou-Chodja Ibn Qâsim ai-Chassi. Fath al-Qarib. La révélation de l’omniprésent. Commentaire sur le précis de jurisprudence musulmane d’Abou Chodja. – Leide, 1894; Clavel E. Droit musulman. Du statut personel et des successions d’après les différents rites et plus particulièrement d’après le rite hanafite. Vol. 2. – Paris: Larose, 1895. T. 1. Du statut personel. – 375 p.; T. 2. Des successions. – 444 p.

⁵⁴ Abou Abdallah Mohammed ibn Ismail el-Bokhâri. Le recueil des traditions Mahométones par el-Bokhâri. Publié par M.Ludolf Krehl. Vol.4. – Leyde: E.J. Brill Imprimeur de l’Université, 1862.

⁵⁵ El-Bokhâri. Les Traditions islamiques. Traduites de l’arabe avec notes et index par O. Houdas, professeur à l’École des langues orientales vivantes et W. Marçais directeur de la Médersa de Tlemcen. Vol.4. – Paris: Ernest Leroux, 1903-1914; 1903, T. №1; 1906, T. №2; 1908, T. №3; 1914, T. №4.

⁵⁶ Ibn Arabchoh. Adjaib al-Makdur fi Nawaib Timur (Étrangères du destin sur les aventures de Tumor) traduit par Pierre Vattier. – Paris, 1658; Abd al Razak Samarkandi. Lever des deux astres heureux et la réunion des deux mers. Traduit par Antoine Galland. – Paris, 1715; Cherefiddin Ali Yezdi. L’histoire de Timur – bec, connu sous le nom du Grand Tamerlan, empereur des mogols et tartars. Traduite en français M. François Petis de la Croix. Vol. 4. – Delf. Reinier Boitet, 1723; Abul Ghozi Bahadur Khan. Histoire des Mongols et des Tatares. Traduite par baron Desmaisons. Leyden, 1726; Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelés Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d’Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d’après les meilleurs auteurs orientaux, par L. Langles. – Paris, 1787.

⁵⁷ Du bec J. Histoire du grand Tamerlan. – Paris: Guillemot, 1612; Sainctiyon. Histoire du grand Tamerlan tiré d’un excellent manuscrit. – Paris, 1677; Margat J.B. Histoire de Tamerlan, empereur des Mongols et conquerant de l’Asie. Paris, 1739; Histoire des Mongols de la Perse. Histoire de Houlagou-Khan. [Dans le livre: “Collection orientale manuscrits inedites de la Bibliothèque Royale”]. – Paris, 1833. – 425 p.; Cahun L. La Bannière bleue. Aventures d’un musulman, d’un chretien et d’un païen à l’époque des croisades et de la conquête mongole. – Paris: Librairie Hachette, 1877. – 430 p.; Croizier C. marquis de. Les Monuments de Samarkand de l’époque des timourides. – Paris: E.Leroux, 1891; Moranville H. Mémoires sur Tamerlan et sa cour. – Paris: Bibliothèque de l’École des chartes, LV, 1894; Blochet E. Les inscriptions de Samarkand. (Le Goûr-i-Mîr, ou Tombeau de Tamerlan, épitaphes de Timoûr et de plusieurs princes timoûrides). – Paris: E.Leroux, 1897.

келтирилган. Бу жараён манбани қиёсий-матншунослик асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилганлигидан далолат беради.

Иккинчи гуруҳдаги асарларни араб, форс, турк, иврит, юнон, санскрит, арман тилларида яратилган асарларга таянган ҳолда ёзилган тадқиқотлар ташкил этади. Уларда муаллифнинг минтақа ҳақидаги илмий қарашлари ва шахсий мулоҳазаларини ифодалаш билан бирга, айрим ҳолатларда компилятив ёндашувлар ҳам кузатилади. Шунга қарамай, ушбу тадқиқотлар ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт ҳақида бой маълумотлар беради.

Мўғуллар ва Темурийлар даври биргаликда ёритилган француз тилидаги тадқиқотлар илгари илмий истеъмолга киритилмаган кўплаб хитой манбаларининг Европада яратилган асарлар билан қиёсий таҳлили асосида ёзилган⁵⁸. Уларда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти, ўрта аср шаҳарлари, сулолалар ҳамда шажаралар каби масалалар ўз аксини топган.

Ушбу тадқиқотлар Марказий Осиёдаги фан-таълим, миниатюра ва рассомчилик, китобат, шаҳарсозлик, тарихий меъморий обидалар намуналарини умумжаҳон маданият бойликлари сифатида танитишда муҳим омил бўлган.

Диссертациянинг **“Илмий экспедициялар ва сайёҳлик сафарларининг натижалари (XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошлари)”** деб номланган учинчи бобида Марказий Осиёдаги сайёҳлик сафарлари ва илмий экспедицияларнинг натижалари таҳлили келтирилган. Табиий ва ижтимоий-сиёсий соҳалар тадқиқотлари фан тармоқлари асосида ёритилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи *“Француз сайёҳлари ва тадқиқотчиларининг фаолияти”* деб номланади. XIX–XX аср бошларида тадқиқотлар интенсив равишда олиб борилиб, 1840–1917 йилларда Марказий Осиё минтақасига Франциядан жами 161 нафар сайёҳ ва тадқиқотчилар турли мақсадларда ташриф буюрганлар⁵⁹. Минтақа турли йўналишларда ўрганилиб, ушбу экспедициялар илмий, ҳарбий, муҳандислик, тижорат ва туризм мақсадларида ташкил этилган. Туркистонда хорижий фуқароларнинг фаолияти доимий назорат остида бўлиб, айрим ҳудудларга уларнинг ташрифи тақиқланган эди⁶⁰. Чунки, хорижий сайёҳлар ҳужжатларида илмий жамият ходими эканлиги қайд этилган бўлса ҳам, уларда ҳарбий соҳа ва маҳаллий аҳоли турмуш тарзига нисбатан қизиқиш кучли эди⁶¹.

⁵⁸ Guignes J.de. Histoire générale des Huns, des Turcs, des Mongols et des autres tartares occidentaux avant et depuis Jésus Christ jusqu'à présent. Vol. 4. – Paris: Desaint et Saillant, 1756-1758; D' Ohsson M. Histoire des mongols depuis Tchinguiz-Khan jusqu'à Timour-Khan. Vol. 4. – La Haye, 1834–1835; Cahun L. Introduction à l'histoire de l'Asie. Turcs et Mongols des origines à 1405. – Paris: Armand Colin et C^{ie}, Editeurs, 1896. – P. 520; Chavannes E. Conquêtes en Asie par les Mogols et les Tartares sous Gengiskhan et Tamerlan. – Tours, 1870. – 240 p. Туркестанский сборник. Т.167.

⁵⁹ Gorshenina S. La Route de Samarcande. L'Asie Centrale dans l'objectif des voyageurs d'autrefois. – Genève: Éditions Olizane, 2000. – P. 61.

⁶⁰ Правила посещения Туркестана иностранными подданными // Туркестанские ведомости. – 1902. – 28 июля (11 август). – № 60.

⁶¹ О посещении иностранцами Туркестанского края. Туркестанский сборник. Т. 466. – С. 30.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларида француз тадқиқотчиларининг XIX–XX аср бошларида Туркистондаги фаолиятига оид ҳужжатлар сақланмоқда. Статистик маълумот берувчи ҳужжатларнинг аксариятини Россия империяси Бухоро сиёсий агентлигининг Бухоро ва Ўрта Осиё худудларида бўлган чет эл фуқаролари ҳақидаги хабарлари ташкил этади⁶². Ушбу ҳужжатларда тадқиқот мақсади, мурожаатлар ва ташриф учун рухсат этилган худудлар қисқача акс этирилган. Шунингдек, архив фондларида француз тадқиқотчиларининг фаолияти ҳақидаги маълумотлар⁶³, маҳаллий ҳукуматнинг уларга бўлган муносабати ва яратилган шарт-шароитлар⁶⁴, шунингдек, француз тилида ёзилган мурожаатномалар⁶⁵, мактублар⁶⁶, тадқиқотчиларнинг шахсий қўлёзмалари⁶⁷, уларга ёрдам бериш тўғрисидаги алоҳида кўрсатмалар⁶⁸ ҳам мавжуд.

Учинчи бобнинг *“Илмий экспедицияларнинг минтақа табиий ресурсларига оид тадқиқотлари”* деб номланган иккинчи параграфида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида олиб борилган илмий тадқиқотларда минтақанинг табиий ресурсларини ўрганиш жараёнлари ҳамда уларнинг натижалари ўз аксини топган.

Умуман олганда, табиий фанлар соҳасидаги изланишларнинг барчасини икки гуруҳга – жонли ва жонсиз табиат тадқиқотларига бўлиб ўрганиш мумкин. Минтақа табиати ва табиий соҳалари Александр Гумбольдт (*Alexander Humboldt, 1769–1859*), Генри Мозер (*Henri Moser, 1844–1923*), Элизэ Реклю (*Élisée Reclus, 1830–1905*), Эдуард Давид Леват (*Edouard David Levat, 1855–1918*), Алоизи (*Aloïsi J.*), Гийом Капю (*Guillaume Capus, 1857–1931*) ва бошқа француззабон тадқиқотчилар томонидан ўрганилган⁶⁹.

Ушбу тадқиқотчиларнинг француз тилида чоп этилган асарларида ўлка табиатининг турли соҳалари ёритилиб, илмий экспедиция ва сайёҳлик сафарларининг натижалари турли илмий-оммабоп нашрларда, илмий жамиятларга йўлланган мактуб ҳамда ҳисоботларда акс этган⁷⁰.

⁶² Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (кейинги ўринларда ЎзР МДА), ф. И.3, р.1, й.ж. 14, 1–160-варақлар.

⁶³ ЎзР МДА, ф. И.1, р.15, й.ж. 487, 1–40-варақлар.

⁶⁴ ЎзР МДА, ф. И.1, р.15, й.ж. 487, 13-14, 23, 28-варақлар.

⁶⁵ ЎзР МДА, ф. И.1, р.1, й.ж. 114, 1–45- варақлар; ф. И.3, р.1, й.ж.114, 100–154-варақлар.

⁶⁶ ЎзР МДА, ф. И.1, р.1, й.ж. 114, в. 47.

⁶⁷ ЎзР МДА, ф. И.1, р.15, й.ж. 487, 21–22-варақлар [Joachim Aloïsi].

⁶⁸ ЎзР МДА, ф. И.3, р.1, й.ж. 8, в. 232.

⁶⁹ Humboldt A. *Asie Centrale. Recherches sur les chaînes de montanges et la climatologie comparée*. Vol.1–3. – Paris, 1843.; Reclus E. *Note relative à l’histoire de la mer d’Aral* // [Bulletin de la Société de Géographie. 1873, Aout]. Туркестанский сборник Т. 1; Ujfalvy Ch.E. *La chasse en Asie Centrale* // [L’Exploration. –1878. –№ 89]. Туркестанский сборник. Т.295; Capus G. *A travers le Royaume de Tamerlan. Voyage dans la Sibérie occidentale, le Turkestan, la Boukharie, aux bords de l’Amou-darya, à Khiva et dans l’Oust-Ourt*. – Paris: A. Hennuyer, 1892. – 434 p., carte; Capus G. *Le climat et la végétation du Turkestan* // *Annales des sciences naturelles Botanique*. Т. XV. – P. 199; Aloïsi J. *Instruction populaire de sericulture: A Kokand (Turkestan russe)*. Bourg. Imprimerie de Villefranche, 1897. – 67 p.; Moser H. *L’Irrigation en Asie Centrale: étude géographique et économique*. – Paris: Société d’édition scientifique, 1894. – 379 p.; Levat D. *L’Industrie Aurifère*. – Paris: Ch.Dunod Éditeur, 1905.

⁷⁰ *Excursion en Dzoungarie par le M. Ch. de Ujfalvy. Lettre au secrétaire générale* // [Bulletin de la Société de Géographie. 1877, Décembre. – P. 638–642]. Туркестанский сборник. Т.238; *Excursion scientifique dans le Ferghana. Nouvelle du colonel Prjevalski. Lettre de M.Ch. de Ujfalvy au secrétaire générale* // [Bulletin de la Société de Géographie. 1877, Août. – P. 190-193]. Туркестанский сборник. Т.238; *Excursion scientifique dans le*

Тадқиқот ишида А. Гумбольдтнинг минтақа суғориш тизими ва тоғ тизмаларига оид фикрлари, Г. Мозернинг тупроқшунослик, суғориш тизимига оид қарашлари, Э. Реклюнинг Орол денгизини сақлаб қолиш хусусидаги хулосалари, табиатшунос Г. Капюнинг чўл иқлими, йиллик ёғин ҳажми ва ўрмонзорлар қисқаришининг оқибатларига оид тавсиялари, шунингдек, Алоизи томонидан Туркистон ўлкасида маҳаллий шароитда ипак қурти уруғларини етиштириш орқали унинг хориждан келтирилишига чек қўйилиши масалалари⁷¹ ва ипакчилик бўйича яратган қўлланмаси кенг тавсифланган. Шунингдек, муҳандис Э. Леват экспедициясида Бухоронинг олтинга бой ҳудудлари, уни қазиб олишда маҳаллий аҳоли тажрибаси таҳлил қилинган⁷² ва унинг “Олтин саноати” номли асарида вашгерд (қумни ювиб, олтинга бой қисмини ажратиб оладиган қурилма) асбоби мисолида тавсифланган⁷³. Э. Леват хулосаларига кўра, маҳаллий халқлар етук кончилик малакаларига эга бўлиб, мўғул, хитой ва корейс тажрибаларини ҳам ўзлаштирганлар.

Учинчи бобнинг “*Экспедиция материалларида ижтимоий ҳаёт масалалари*” деб номланган учинчи параграфида француз тадқиқотчиларининг ижтимоий соҳага оид изланишлари ва уларнинг асосий илмий натижалари таҳлил қилиниб, Марказий Осиё халқлари антропологияси, археология ва этнология масалалари талқинига эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотлар Туркистон ўлкасидаги қадимий ва янги шаҳарлар, манзилгоҳлар, кўчманчи, ўтроқ ҳамда тоғ ҳудудлари халқлари мисолида ўрганилган. Шунингдек, моддий маданиятнинг археологик топилмалар, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати каби намуналари тавсифланган.

Ижтимоий ҳаёт Шарль Эжен Ужфальви (*Charles-Eugène Ujfalvy, 1842–1904*), Габриэль Бонвало (*Gabriel Bonvalot, 1853–1933*), Жан Шаффанжон (*Jean Chaffanjon, 1854–1913*), Гюго Крафт (*Hugues Krafft, 1853–1935*), Поль Гольт (*Paul Gault*), Жозеф-Антуан Кастанье (*Joseph-Antoine Castagné, 1875–1958*), Жюль Тоннельер (*Jules Thonnelier*), Фердинанд Лессепс (*Ferdinand Lesseps, 1805–1894*), Йоахим Барранд (*Joachim Barranté, 1799–1883*), Леон Кошар (*Léon Cochard*), Фернан Анжиньер (*Fernand Anginieur, 1868–1914*) каби тадқиқотчилар⁷⁴ асарлари асосида ёритилган.

Kohistan. Lettre de M.Ch. de Ujfalvy au ministère de l’instruction publique // [Bulletin de la Société de Géographie. 1877, Juillet. – P. 89–99]. Туркестанский сборник. Т.294.

⁷¹ Местные известия. Н.Маргеллан, 9-июня. (О новом предприятии официального поставщика грены г. Алоизи в Маргеланском уезде) // Туркестанские ведомости. – 1895. – 18 (30) июня. – № 43 (№1375).

⁷² В горной Бухаре // Туркестанские ведомости. – 1903. – 30 января (12 февраля). – № 9 (2138).

⁷³ Levat D. L’Industrie Aurifère. – Paris: Ch.Dunod Éditeur, 1905. – P. 68.

⁷⁴ Thonnelier J. Géographie de l’Asie Centrale. – Paris: Maisonneuve et C^{ie}, 1869. – 53 p.; Ujfalvy Ch.E. Expédition scientifique française en Russie, en Sibérie et dans le Turkestan. Le Kohistan, le Ferghanah et Kouldja avec un appendice sur la Kachgharie. Vol. 1. – Paris: Ernest Leroux, 1878. – 186 p.; Ujfalvy Ch.E. Expédition scientifique française en Russie, en Sibérie et dans le Turkestan. Le Syr-daria, le Zérafchâne, le pays des Sept-rivières et la Sibérie – Occidentale avec 4 appendice. Vol. 2. – Paris: Ernest Leroux, 1879. – 208 p.; Ujfalvy Ch.E. Expédition scientifique française en Russie, en Sibérie et dans le Turkestan. Atlas anthropologique des peuples de Ferghanah. Vol. 4. – Paris: Ernest Leroux, 1879. – 16 p. 70 pl. photo; Bonvalot G. En Asie Centrale. De Moscou en Bactriane. – Paris: E. Plon, Nourrit et C^o, 1884. – 309 p., carte; Bonvalot G. En Asie Centrale. Du Kohistan à la mer Caspienne (voyage de 1880-1882). – Paris: E. Plon, Nourrit et C^o, 1885. – 308 p., carte; Moser H. A travers l’Asie Central. La steppe kirghize, le Turkestan russe, Boukhara, Khiva, le pays des Turcomans et la Perse. Impression de voyage. – Paris: Société d’édition scientifique, 1885. – 463 p.; Cochard L. Paris-Boukhara-Samarcande. Notes de

Ижтимоий соҳа бўйича йирик тадқиқотлар илмий экспедициялар орқали олиб борилган. Диссертацияда тадқиқотчи Э.Ужфальви экспедицияси асосидаги археология, антропология ва этнография каби соҳалар тадқиқи, Г. Бонвалонинг Тошкент, Қарши, Шеробод, Сурхондарё, Термиз, Бойсун ва Қашқадарё воҳалари бўйича этнографик маълумотлари, Самарқанддаги Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Бибихоним каби тарихий-меъморий обидалар тавсифи, Г. Мозер тадқиқотидаги Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, давлат бошқаруви, савдо алоқалари масалалари, Ж. Кастанье хотираларида Тошкент аҳолисининг яшаш тарзи, урф-одат ва қадриятлари, мадраса таълими масалалари кенг тавсифланганлиги батафсил ёритилган.

ХУЛОСА

XVII–XX аср бошларига мансуб француз тилидаги тадқиқотларда Ўзбекистон тарихи масалаларининг ўрганилишини тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Европада Марказий Осиё минтақаси тарихи ва маданиятини ўрганиш жараёнлари ўрта асрлардан бошланган. Французларнинг Марказий Осиёга оид дастлабки тасаввурлари (миссионерлик, дипломатик ва савдо алоқалари асосида) жуда саёз эди. XVI асрдан Францияда шарқшунослик мактаблари ва илмий марказларига асос солиниши, шунингдек, тарих, маданият билан бирга шарқ тилларининг мукамал ўрганилиши Марказий Осиё ҳақидаги илк илмий қарашларнинг шаклланишида муҳим омил бўлганлиги аниқланган.

2. Минтақа ҳақидаги илмий қарашларнинг кенгайиб боришида ёзма маданий мерос алоҳида ўрин тутган. Парижда йиғилган бой қўлёзма фондлари ҳамда кутубхоналарда сақланаётган манбаларнинг таржима қилиниши Марказий Осиёга оид араб, форс, турк, иврит тилларидаги манбаларнинг илмий истеъмолга киритилишига олиб келган. Кейинчалик мўғул, хитой, рус ва бошқа тиллардаги бой қўлёзмалар захирасининг тадқиқ қилиниши француз илмий шарқшунослигининг ривожланишида катта роль ўйнаган.

3. Марказий Осиё мутафаккирлари ва алломалари асарларининг Францияда таржима қилиниши, матншунослик ва манбашунослик тадқиқотлари, шунингдек, шарқшунослик илмий мактабларида араб, форс, турк тилларини ўқитишда ушбу асарлар асосида дарсликлар тузилиши, кейинчалик француз тадқиқотчилари томонидан кўплаб янги асарларнинг яратилишига замин ҳозирлаган.

4. Қуръони каримнинг лотин ва француз тилларига таржима қилиниши кейинчалик ҳадис, фикҳ, вақф ва тасаввуф илмларининг ўрганилишига, шунингдек, ислом маданиятини умумевропа миқёсида танитишга туртки бўлган.

voyage. – Paris: Librairie Hachette et C^{ie} 79, boulevard Saint-Germain. 1891. – 147 p.; Krafft H. A travers le Turkestan Russe. – Paris: Hachette et C^{ie}, 79, B^D Saint-Germain, 1902; Castange J. Notes des voyage en Asie Centrale. – Rouen: Imprimerie E. Cagniard, 1908. – 17 p.

5. Манбаларни ўрганиш ва таржима қилишда Темурийлар даври катта қизиқиш уйғотган. Амир Темури ҳақидаги асарларни француз тилига таржима қилиш билан бирга, араб, форс, турк, хитой манбаларига таянган ҳолда бошқа асарлар ҳам ёзилган, шунингдек, эпитафия ҳамда нумизматикага доир моддий ашёлар ва дипломатик алоқалар акс этган мактублар ҳам тадқиқ этилган.

6. XIX асрнинг иккинчи ярмида Франция ва Россия ўртасидаги дўстона муносабатлар француз тадқиқотчиларининг минтақага бевосита ташрифлари учун қулай имконият яратди. Экспедициялар даврида табиий ресурслар, ўлканинг табиати, геология, минералогия, гидрография, ирригация, иқлимшунослик, тупроқшунослик соҳалари кенг ўрганилган. Минтақанинг ҳайвонот ва наботот оламини ўрганиш орқали Туркистон табиатидаги биохилмаҳилликнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

7. Ижтимоий фанлар йўналишидаги тадқиқотларда антропология, этнология ва археология, Туркистондаги қадимий ва янги шаҳарлар, турли манзилгоҳлар, кўчманчи, ўтроқ ҳамда тоғ ҳудудлари халқлари тарихи каби масалаларга эътибор қаратилиб, ҳудудларнинг этнологик харитаси ва этник типлар атласи яратилган.

8. Тадқиқот натижалари XVII–XVIII асрларда асосан энциклопедия, тўпламлар, кўлёмалар таржималари, манбалар каталоги, дарслик, ўқув кўлланма ва монографиялар сифатида чоп этилган бўлса, XIX–XX аср бошларига келиб йирик халқаро кўрғазмалар, конгресслар, илмий жамиятларнинг ҳисобот йиғилишларидаги тақдимотлар, матбуот хабарлари шаклида намоён бўлган. Бу эса ўз навбатида минтақани дунё миқёсида тобора кенг танилиб боришига хизмат қилган. Француз тилидаги тадқиқотлар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан бирга, минтақа интеллектуал меросининг ажралмас таркибий қисми сифатида эътироф этишга лойиқдир.

Тадқиқот якунида кўлга киритилган илмий хулосалар асосида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- Олий таълим тизими учун ўқув адабиётлари ва дарсликларни яратишда француз тадқиқотларини жалб этиш орқали ватан тарихини хорижий манбашунослик намуналари билан янада бойитиш;

- диссертация материаллари асосида француз тарихшунослиги бўйича манбалар, даврий нашрлар, ҳужжатлар каталогини тузиш;

- республикадаги кутубхона, музей ва архивларда француз тадқиқотчиларининг асарлари, тарихий иллюстрациялар, статистик жадваллар, хариталар асосида махсус кўрғазма ва экспозициялар уюштириш;

- мавзуга тегишли тарихий манбалар асосида хрестоматия ва тарихий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш;

- Марказий Осиё алломалари асарларининг европалик олимлар томонидан тадқиқ этилиши ва хорижий таълим даргоҳларида ўқитилиши ҳақида илмий-оммабоп телекўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар яратиш ва намойиш қилиш орқали аجدодларимизнинг жаҳон интеллектуал тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАСУЛОВА ДУРДОНА БАХРОНОВНА

**ВОПРОСЫ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА ВО ФРАНКОЯЗЫЧНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЯХ XVII – НАЧАЛА XX века**

**07.00.08 – Историография, источниковедение и методы
исторических исследований**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2017.2. (PhD) / Таг133.

Диссертация выполнена при Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.uzhistory.uz) и на веб-странице Информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Зияева Доно Ҳамидовна
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бабаджанов Бахтиёр Мираимович
доктор исторических наук

Саидбобоев Зокир Абдукаримович
кандидат исторических наук, доцент

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный институт
востоковедения**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc. 06.01.2018.Таг.56.01. по присуждению ученых степеней при Институте истории АН Республики Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, улица Шахрисабзская, 5. Институт истории АН РУз. 2-й этаж. Зал заседаний. Тел.: (998 71) 233-54-70; факс: (998 71) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13). Тел.: (998 71) 262-74-58; факс: (998 71) 262-34-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2019 г.)

А. С. Сагдуллаев

Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.и.н., профессор, академик

М. Х. Пайзиева

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.и.н.

А. Х. Дониёров

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Цивилизации, занимающие важное место в истории человечества, с древнейших времен формировались и обогащались на основе взаимовлияния культур различных народов. Вошедшие в их число древнейшие цивилизации Центральной Азии, в частности Узбекистана, а также научно-культурное наследие периода Ренессанса IX–XII вв. и эпохи Амира Темура и Темуридов явились значительным вкладом в общемирового интеллектуального наследия. Эти достижения послужили прочным фундаментом развития науки и в последующие этапы исторического развития, в частности в XVII – начале XX в., и привлекли внимание зарубежных ученых и исследователей.

В настоящее время в крупных научно-исследовательских центрах востоковедения США, Европы и Азии, в том числе в университетах и исследовательских учреждениях Франции, с большим интересом изучается Центральноазиатский регион, в частности история и культурное наследие Узбекистана⁷⁵.

В процессе изучения многовековой богатой истории и культуры Узбекистана большое значение имеют источники и зарубежные исследования. Особенно важным представляется выявление, перевод и сравнительный анализ с местными источниками ранее не введенных в научный оборот зарубежных исследований и материалов. Среди зарубежных научных центров особого внимания заслуживает деятельность французских востоковедческих школ, имеющих большой исторический опыт в проведении многочисленных исследований по Центральной Азии. Именно отсутствие научных работ по этой проблеме обуславливает необходимость её специального изучения.

Изучение зарубежной литературы и исторических источников служит осуществлению задач, намеченных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников” ПП-2995 от 24 мая 2017 г., “Об учреждении Центра исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом, при Кабинете Министров Республики Узбекистан” ПП-3074 от 20 июня 2017 г., “О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере охраны объектов материального культурного наследия” ПП-4068 от 19 декабря 2018 г., а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в

⁷⁵ Национальный институт восточных языков и цивилизаций (*L'Institut national des langues et civilisations orientales – INALCO*), Высшая школа социальных наук (*École des hautes études en sciences sociales – EHESS*), Национальный центр научных исследований (*Centre national de la recherche scientifique – CNRS*); Французский институт международных отношений (*Institut Français des relations internationales – IFRI*), Ассоциация по изучению и информации о Центральной Азии (*Association de recherche et d'information sur l'Asie Centrale – ARIAC*), Институт международных и стратегических отношений (*L'Institut de relations internationales et stratégiques – IRIS*), Французский институт исследований Центральной Азии (*L'Institut français d'études sur l'Asie Centrale – IFEAC*), Международный институт Центральноазиатских исследований (*International institute for Central Asian studies – IICAS*).

республике: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В настоящее время в мировой историографии проводятся широкомасштабные исследования по истории и культуре Узбекистана. Они отличаются друг от друга методологическими и хронологическими подходами, направлениями, а также достигнутыми результатами.

Отечественные и зарубежные исследования, посвящённые изучению французской историографии Центральной Азии XVII – начала XX в., можно подразделить на следующие группы: 1) литература XIX – начала XX в.; 2) публикации советского периода; 3) исследования периода независимости; 4) зарубежные труды.

В исследования первой группы входят труды российских учёных⁷⁶, которые работали в Туркестане в XIX – начале XX в., периодические издания⁷⁷ и журналы научных обществ⁷⁸, содержащие обширные сведения о деятельности зарубежных исследователей.

В трудах таких авторов советского периода, как Дж. Бейкер, М. Дьяконов, И. Магидович, Я. Свет, Н. Щукина, наряду с другими зарубежными исследованиями и результатами экспедиций, французские исследования изучались на основе общего и проблемного подходов, но сквозь призму господствующей идеологии⁷⁹.

В годы перестройки в связи с формированием открытости в общественном сознании начали выработываться новые подходы в изучении зарубежной историографии. В частности, особое внимание уделялось

⁷⁶ Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. – СПб., 1911; Его же. Рецензия на книгу: L.Cahun. Introduction à l'histoire de l'Asie (1896) // Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1968. – Т.V: Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – С. 238–252; Его же. Рецензия на книгу: Description topographique et historique de Boukhara (1892) // Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1973. – Т. VIII: Работы по источниковедению. – С. 17–20; Его же. Рецензия на книгу: E.Bloch. Introduction à l'histoire des Mongols de Fadl Allah Rashid ed-Din (1910) // Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1973. – С. 270–310.

⁷⁷ Заметка. Traduttore – trade // Туркестанские ведомости. – 1880. – 15 июля. – №28; Иванов Д. Библиографическая заметка. Expédition scientifique française en Russie, en Sibérie et dans le Turkestan. I. Vol. Le Kohistan, le Ferghanah et Kouldja. II. Vol. Le Syr-daria, le Zérafchâne, le pays des Sept-rivières et la Sibérie Occidentale par Ch.E. de Ujfalvy de Mezo-Kovesd. 1878–1879 // Туркестанские ведомости. – 1881, – № 1, 7–9, 11–14; Соколов В. Библиографическая заметка. Reclus о Туркестане // Туркестанские ведомости. – 1884, – 7 февраля. – № 4; Библиографическая заметка. Коран Магомета // Туркестанские ведомости. – 1902, – 21 марта (3 апреля). – № 23 (2048); Горный инженер П.Жоравко-Покорский по поводу статьи г. Левата // Туркестанские ведомости. – 1903, – 19 июня (2 июля). – № 49 (2178).

⁷⁸ Список рецензированных книг: А. Лянглэ. Жизнь Тимура / Пер. с франц. // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. Н.Суворов. – СПб., 1892. – Т.VI. – С.343–349; Список рецензированных книг: O.Houdas. Histoire du sultan Djelal ed-Din Mankobirti, prince du Kharezme. Par Mohammed en-Nesawi. – СПб., 1892. – Т.VI. – С.383–389; Список рецензированных книг: Ch. Schefer. Description topographique et historique de Boukhara, par Mohammed Nerchakhy. Suivie de textes relatifs à la Transoxiane. Texte persan publié par Charles Schefer // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. Вып. I–IV. – СПб., 1896. – Т.IX. – С.313–318; Шарль Шефер. Некролог // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. Вып. I–IV. – Т.XI. – СПб., 1899. – С. 321–326.

⁷⁹ Дьяконов М. Путешествия в Среднюю Азию с древнейших времен до наших дней. – Л., 1932; Бейкер Дж. История географических открытий и исследований. – М., 1950; Магидович И. Очерки по истории географических открытий. – М., 1955; Свет Я. По следам путешественников и мореплавателей Востока. – М., 1955; Щукина Н. Как создавалась карта Средней Азии. – М., 1955; После Марко Поло: Путешествия западных чужеземцев в страны Трех Индий / Пер. и примеч. Я.М. Света – М., 1968.

изучению образцов узбекской и персидско-таджикской классической литературы⁸⁰.

В период независимости⁸¹ отношение к зарубежной историографии изменилось и стало актуальным освещение различных вопросов истории Узбекистана путём привлечения зарубежных исследований. Так, в трудах Р. Фармонова, Г. Эргашходжаевой, Д. Зияевой, Б. Бабаджанова, С. Шодмоновой, З. Саидбабаева, К. Матхаликова, Х. Абдурасуловой, А. Эркузиева в рамках определённых исторических эпох и проблем анализируется зарубежная, в частности и французская историография⁸². Особенно большой интерес представляют исследования, посвященные истории периода Амира Темура и Темуридов⁸³.

В последние годы широко изучаются зарубежные источники и исследования по истории Узбекистана на французском, английском и немецком языках⁸⁴. Так, проводятся научные конференции⁸⁵,

⁸⁰ Шокир Мухтор. Франция читает “Тулистан” : (История изуч. и пер. “Тулистана” Саади во Франции) / Отв. редакторы Маниязов А., Клубков П. А. – Душанбе, 1987; Холбеков М. Ўзбек адабиёти Францияда. – Тошкент: Фан, 1988. – 215 б; Мухтаров Ш. Персидско-таджикская классическая поэзия во Франции: Автореф. дисс... . докт. филол.наук. – Душанбе, 1989. – С.33.

